


Фикр дурдоналари (19-қисм)



10:35 / 27.03.2017 5881

96. Бир киши Ҳузайфа розияллоҳу анҳуга: "Мен мунофиқ бўлиб қолишдан қўрқаман", деди. У киши ундан: "Холи қолганингда намоз ўқиб, гуноҳ қилганингда истиффор айтасанми?" деб сўрадилар. У: "Ҳа", деб жавоб берди. Шунда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу: "Боравер, Аллоҳ сени мунофиқ қилмабди", дедилар.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг сирдошлари бўлиб, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у кишига мунофиқлар кимлигини номма ном айтганлар. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бу сирни ҳеч бир инсонга айтмасдан, ўзлари билан бирга қабрга олиб кетганлар.

97. Уч турдаги кишини унутишдан эҳтиёт бўл:

1. Қийин вазиятларда сенга ёрдам берган кишини;
2. Қийин вазиятларда сени тарк этган кишини;
3. Қийин вазиятлар келиб чиқишига сабаб бўлган кишини.

98. Эй Роббим! Қоронғу қабрга қўйилган кунимда, қабримни нурли қилгин!

99. Агар бирор ишга надомат қилмасликни хоҳласанг, ҲАР БИР ИШНИ АЛЛОҲНИНГ РОЗИЛИГИ УЧУН ҚИЛ!

100. Лаа илааха иллаллоҳ

Дунё фақат Унинг зикри билан ёқимли, хуш бўлди.

Охират фақат Унинг афви билан ёқимли, хуш бўлди.

Жаннат фақат Уни кўриш билан ёқимли, хуш бўлди.

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси